

* Баҳроуддин Нақшбанднинг 675 йиллиги

ТАСАВВУФ ИЛМИНИНГ ПИРИ

Бу йил тасаввуф оламининг буюк намояндаси, Нақшбанд оқшомининг асосини ҳазрат Баҳроуддин Нақшбанд таваллудининг 675 йиллиги республика- мида кенг нишонланмоқда. Ушбу кутлуг тўй муносабати билан турли-туман тадбирлар ўтказилмоқда. Бугун Ўзбекистон Республикаси Вазирлар маҳка- маси ҳузуридаги диний ишлар комитети ҳамда Ўз- бекистон Республикаси Фанлар академияси бир- галида халқаро илмий конференция ўтказмоқдалар. Унда Ўзбекистон Республикаси Фанлар академия- сининг мухбир аъзолари Иззат Султон, Азиз Раҳимов, филология фанлари докторлари Алибек Рустамов, Абдуқодир Ҳайитметов, Ботир Валихў- жаев, Нажириддин Комилов, Ўзбекистон Респу- бликаси Вазирлар маҳкамаси ҳузуридаги диний иш- лар комитети раиси Шайх Абдуғани Абдуллаев, Ўзбекистон Республикаси Ислам фонднинг кат- та илмий ходими Абдулазиз Мансур, қозғистонлик олим А. Муминовлар ўзларининг матбузалари би- лан қатнашмоқдалар.

Худди шундай адабий анжуман кўни кеча Ўз- бекистон Ўзбекистон уюшмасида ҳам бўлиб ўтди. Унда республикамизнинг кўзга кўринган адиблари, шоир- лар Нақшбандия таълимотининг ниҳоятда ҳаётий- лиги ҳақида сўзлашди. Баҳроуддин Нақшбандга бағишланган асарларидан намуналар ўқиб берди- лар.

Тантаналар энди Бухорои Шарифда давом эта- ди. У ерда илмий ва адабий анжуманлар ўтказилди, ҳазратнинг қадамжолари зиёрат этилди. Анжуман- ларда хорижда ислом динининг етук арбобла- ри, Нақшбандия таълимотининг билимдонлари, кўз- га кўринган олимлар, адиблар иштирок этадилар.

Бу тантаналар 18 сентябргача давом этади.

Республикамизда Баҳроуддин Нақшбанднинг му- борак 675 ёши нишонланиши халқимизнинг маъна- вий ўзлигини қайта топиб бораётганлигининг ни- шонасидир.

Баҳроуддин НАҚШБАНД

ҲИКМАТЛАР

- Худонинг мардлари Худо эмаслар, Лек, улар Худодан жудо эмаслар.
- Жоним билан этай қоринг, нечун этмайин, Бошим билан тортай боринг, нечун тортмайин.
- Менда на мафреш бор ва на мафрешкам,

- Ва на гуломни турки таркаш каш,
- Хар оқшом қаҳдонда бечора итдек,
- Ухларман, думинга қўйиб гариб бош,
- Фақиримиз, лек эмасимиз ҳеч кимдан кам,
- Визда йўқдур ҳеч нарсадан андуҳтам,
- Жаҳда қийиб, лйайимиз то тўғристон,

- Хатто ўлсак, тутилмас бизга жотам.
- Яхшиларга жаҳонда эмас ҳеч ким мухолоф,
- Гар ёмоғларни яхши кўролсанг, у ҳолда сен голиб.
- Ким кчдан ошмононо, ташдин бегонаш бўлгуси,
- Бундайин зебо равш жаҳонда кам топилгуси.

АЛЛОМАЛАР ТАЪРИФИДА

- Ишқнинг ғаму асрорини дардмандлар англав,
- На худдианилар, на худдиасидлар англав,
- Бул нақшдан тортиб то бенақшлар томон,
- Ва бул гариб нақшни нақшбандлар англав,
- Абдурахмон ЖОМИИ.
- Ҳақиқат Ҳақиндур, Ҳақини ҳақиқат,
- Даст бекор, дил ба ёр, айла меҳр-шафқат,
- Ақлинига ақл қўш, тоғил қамолат,
- Ушунда Ҳақ билан топасан васлат.
- Ҳар лаҳза ватан ичра сафар қилгумдур,
- Юрмакда қадам узра назар қилгумдур,
- Хилват тутмоқ ҳам аяжуман ичра жудош,
- Хилватдаги қурбатга гузар қилгумдур,
- Убайдуллоҳон УБАЙДИИ.
- Сен қайдан биласан, ким Нақшбандон,
- Сен қайдан биласан, не пайкар, не жон,
- Эмгуринг қадрини сабзавот англав,
- Сен — қуруқ! Билмасан қадрини борон!
- Абул Мухсин Мухаммад ВОҚИР.
- Эй сенки, излайсан тинмай маҳабб дин,
- Қаъбага етишда бор ҳазор оин,
- Мақнадан исталган файзу неъматин,
- Бахш айлар Ҳазрати ал-Баҳроуддин,
- Хожа Мухаммад ПОРСО.
- Хожани нақшони сиёҳи баланд,
- Бўлган ҳар сафҳасига нақшбанд —
- Айлади авроқ мунаққаш баше,
- Нақш рақам айлади дилкаш баше.

Лек анинг нақши киби дилнавоз,
Чекмади то ҳомасидур нақш соз.
Собит анинг кўнгли аро нақши жуз,
Маҳв ўлуб ул сафҳада нақши жуз.
Нақшга тенг тутмай ўзин нақши Чин,
Онам ўлуб илгиде нақши нигин.
Буйла нигин нақшга фармонбарин,
Мунча ажаб нақш ила деу пари.
Саяй ила бу гулбади бисёр нақш,
Ҳар некаким айлабон изҳор нақш.
Нақшнинг олдида намудор уза,
Нақш бўлуб сафҳайи девор уза.
Мунча ажаб нақш бида аржаман,
Кимса эмас гайри шаҳи нақшбанд.
Жонга чекиб раижу аю нақшнини,
Сизмоқ учура анда фано нақшнини.
Жонм чу ул нақш макони бўлуб,
Нақшдин ўзга бори фойи бўлуб.
Турфа буюки нақшга кўз солмайин,
Жониде жуз нақши бақо қолмайин.
Кўнгли чекиб маскан аро нақши сайр,
Сайрда йўқ кўнгли аро нақши гайр.
Сайр анга бу тоқи мунаққаш уза,
Нақш нақш лаҳзайи заркаш уза.
Чун изининг нақшига сурбуб жабин,
Равшан этиб кўз фалаки нақшбин.

Алишер НАВОИИ,
(«Ҳайрат ул-аброр»дан).

ИЛК САБОҚ

Оламда ҳалолни ошаб яшадим.
Барчани ушбуга чорлаб яшадим.
Шул сабаб офтобдай норлаб яшадим,
Бағрини тузлаган Баҳроуддинман.
Кўзларининг очилган гафлатдан, болам.

Бош тортигадиз ҳаргиз шафқатдан, болам
Қўл узмагин асло меҳнатдан, болам
Ҳақ йўлини излаган Баҳроуддинман.
Ўзга таомидан тош яхши, билсанг,
Кўзларингдан тошман ёш яхши, билсанг.
Агар айтганимга сен бовар қилсанг,
Ер тишлаб тўзмаган Баҳроуддинман.
Адолат ерда-ю, сувда бил,
Ҳаромини луқмангдан қувалган, англа.
Ҳаққа етишмоқни излагил, англа
Ҳақ дея бўзлаган Баҳроуддинман.
Қўлларинг неъматини яратмоқ истар,
Номингга валий деб таратмоқ истар.
Ҳақнинг жамолига қаратмоқ истар
Ишла деб қистаган Баҳроуддинман.
Кафтдек ер изингиде, Аллоҳ мададкор,
Меҳнату ул ҳақдин ўзга нима бор?
Тириксан — ганнимат, қийирла эй, ёр.
Яхшилик қўзлаган Баҳроуддинман.
Вужудингдан чиқсин терларинг — ганним,
Шунда покланди ҳордин бадаининг,
Дил ба ёр, даст ба кор — маслагини манним.
Ҳақдан дил узмаган Баҳроуддинман.
Яшамоқ кимдир — тунда ухламоқ,
Оқилга тоғларни кутуб, йўқламоқ.
Билимдан ўт олиб, дилини чўзламоқ,
Или қудугин қазлаган Баҳроуддинман.
Дунё ўткинчидир, хотирда сақла,
Тириксан, тириклик маслагини оқла.
Ҳар замон қалбингга Аллоҳни сақла,
Нопокка қўл чўзмаган Баҳроуддинман.
Бир кун фойидан, билки, кетарсан,
Адолат қилмасанг унда нетарсан,
Дил билан, ақл турк, ҳаққа етарсан.
Ҳақ дея бўзлаган Баҳроуддинман.
Темур УБАЙДУЛЛО.

Охир келиб Вухорога урладим.
Натжада шоҳ Нақшбанднинг бенақш дили,
Ушбу муқаддас муҳр файзида бахраним бўлди.

Нақшбанд ҳақида Ҳазрати Жомий томонидан ёзилган иккинчи рубоийда мана бундай аjoyиб шеърӣ сатрларни ўқиймиз:

Ишқнинг ғаму асрорини дардмандлар англав,
На худдианилар, на худдиасидлар англав,
Бул нақшдан тортиб то бенақшлар томон,
Ва бул гариб нақшни нақшбандлар англав.

Шу ерда мавриди келгани учун машҳур нақшбандий шоирлардан бири хушдор ва шоир Убайдуллоҳон (Убайдуллоҳ)нинг куйидаги бир аjoyиб рубоийсини келтириб ўтайлик. Рубола истиснодлик туркизабон шоир Нақшбандия таълимотининг энг муҳим тўрт одобӣ (қондасеини), нақшбандийлар таъбири билан айтганда «наҳор қалма»ни атғи тўрт сатрлик рубоийсида ўта зўр маҳорат ила ифода этган:

Ҳар лаҳза ватан ичра сафар қилгумдур,
Юрмакда қадам узра назар қилгумдур,
Хилват тутмоқ ҳам аяжуман ичра жудош,
Хилватдаги қурбатга гузар қилгумдур.

Сўзкимз охирида яна бир турткиликни келтириб ўтмоқчимиз. Бу турткилик форсий тилда номалум бир шоир томонидан битилган шеърӣ марсия (тарих) бўлиб, Хожа Аҳрор Валий ҳамда Ҳазрати Жомийнинг шоғирди. Воиз Коши-фининг ўғли, Маллово Фахруддин Али ас-Сафийнинг («Рашахот-айн-ул-ҳаёт») номли машҳур аса-рида берилган:

Ўтди шоҳи нақшбандон,
Соҳиб дину жаҳон,
Дину давлату иниллатга алар эрдилар султон.
Риҳлати йилин сураганим,
Дейманки, «Қасри ғрифон»
Чуни маскану навбоси эрди «Қасри Ҷорифон».

Қўриниб турибдими, «Қасри ғрифон» жумласидан ажбод ҳисо-бида 791/1389 йил, яъни Ҳазрати Нақшбанднинг оламдан ўтган йиллари келиб чиқади.

Шундай қилиб, биз жуда катта, муҳим бир долзарб мавзу бўлиши «Нақшбандия таълимоти ва Шарқ шеърӣти» масаласини фақат бош-лангич ибтидоий ҳолатда Сиз, муҳтарам муштарийларга қисман эслатиб ўтдик, ҳолос. Бу муҳим, улкан мавзу қала келажакда ёш, илтиҳорли, истеъдодли эрон-шунос, афғоншунос, туркшунос, урдушунос, арабшунос ва бошқа Шарқ тиллари билимдонлари бўли-ши, шарқшунос, адабиётшуносла-риниш томонидан боҳад ва шо-ҳад, кўнглидагидек равшан, нух-талаб ишлаб чиқилар, деб умид қиламиз.

Ориф УСМОНОВ,
филология фанлари доктори.

ЭНГ НОЗИК ВА МАСЪУЛИЯТЛИ

БОЛА тарбияси ҳамма даврда ҳам энг асосий, масъулиятли вазифалардан бири бўлиб келган. Фарзандларимизни соғлом, тетик ва баркамол воёга етиш- лари эртанги кун учун катта аҳамиятга эга. Чунки келажак уларнинг қўлида. Миллат ва халқ аъёналарини улар да- ром еттиришадилар. Шунинг учун тўғри тарбия бериб, инсофли, имонли қилиб воёга етказишга ҳамма бирдай жавоб- гар бўлиши керак.

Боланинг тарбияси дастлаб онлада юз очади. Шундай экан тарбиядаги би- ринчи масъулият ота-она зиммасига тушади.

Болани ёшларда асраб-авайлаб, во- га етганда кейин бирор юмупни ўра- тиб нотўғридир. Батъин ота-оналар фар- зандага ўта меҳрибонлик қилиб турган хил юмуплардан айди. Айтганини жо- йида муҳаббат қилишга ҳаракат қилади. Шу мақсадда тер тўқади. Натигада боласи ишғамас, дангаса, бир ишнинг бошини тутта олмайдиган, текинтомоққа айланган қолқинчи ўзи билмайди. Шун- инг учун ҳар нарсалда меъёр тушунча- си бўлганидек, тарбиянинг ҳам ўз қо- нуни-қондалари бор.

«Тошкент оқишони» газетасининг шу йил 2 август сониде эълон қилинган «Бола тарбияси ва маҳалла» деб ном- ланган мақола менга жуда маъқул бўл- ди. Ҳозир маҳаллаларда меҳр-оқибат, миллий қадриятларимиз тикланаётган, бола тарбиясига эътибор кучайган бир пайтда бу мақоланинг чоп этилиши айни муддаодир. Айниқса, маҳаллаларда «Меҳрибонлик» клубини ташкил этиш, ота-оналар, маҳалладошлар, бу- тун жамоатчилиқни болаларнинг таъ- лим-тарбиясига қаратиш тўғрисидаги фикрлар қўлчиллиқнинг дилдаги гап- лардир. Фарзандларимизни миллий ўр- одатларимиз руҳида тарбиялаш, ҳалол, пок, йатанни, халқни севувчи чин инсо- лар қилиб воёга етказиш энг асосий вазифадир. Худди ана шу масалалар мақолада кенг ва атрафлича ёрилган. Унда инсон табияти, турмуш тарзи, му- ҳити ҳисобга олинган. Ўйлаيمانки, бу мақола бола тарбиясидек мураккаб ва масъулиятли вазифада дастур бўлиб хизмат қилади.

Нези келганда шунини айтиш зарурки, мактабда ўқитувчилар болаларга энг биринчи ва масъулиятли назоратчидир.

Улар ўқувчилар билан яқин дўстлашиш- лари, уларнинг қизиқишлари, бир-бир- лари билан муносабатларини ўрганиш, дарсдан бўш вақтларида болаларни тур- ли хил тўғаракларга жалб қилишлари мақсадга мувофиқдир. Шу билан бирга боланинг мустақиллигини чегаралаб қўймаслик, асосан, уни қизилуш ва табиатдан келиб чиқиб маълум бир йўналишга солиш керак.

Мен ўқитган синфларнинг бирида Матруф деган бола бўлган. У ҳеч ўқиниш қизикмас, мактабга номига не- ларди. Фанларни ўқитишнинг ҳам жу- до ёмон эди. Ҳақон қарасанг мажлис- ларда шу бола муҳокама қилинарди. Синфдан топиб бўлмасди. Матруф ё кўча-қўйла, ёки стадионнинг орасида бошлангич ҳарбий машқлар ўқитган майдончада битта-иккита ўзига ўша- ган болалар билан нималаридир туза- тиб юрарди. Қўлида қандайдир темир- лар, симларни қўрардигиз. Хуллас, шу бола билан мавриднинг топиб дилдан сўхбатлашдим. У менга ўзига яқин олиб, дарсларда ҳеч нарсани тушу- маслиги, шунинг учун қизиқмаслиги, жонини-дили техника эканлигини айтиди. Уни физика ўқитувчисига бериштирадим.

Ўқитувчида яхши гапиринчи, сура- ган нарсасини амалда қўрсатишини ил- тимос қилдим. Матруф шу ўқитувчи билан жуда қалин бўлиб кетди. Асосий вақтини унинг тажрибахонасида ўтқа- зарди. Охир-оқибатда шу бола радио, телевизор тузадиган муҳир уста бў- либ етишди. Шуҳиклари ҳам ўз-ўзи- дан қолди. Бу билан айтмоқчиманки, боланинг қизиқишга эътибор бериш унинг келажакда фойда келтирадиган одам бўлиб етишишга замин яратди.

Халқимизда «Ота» маҳалла — онанг маҳалла» деган гап бор. Демак, болани терғашга, ёмон йўлдан қайта- ришга маҳалладошлар ҳам масъул.

Бола тарбияси энг нозик ва масъу- лиятли иш. Фарзандни тўғри тарбия- лашга ҳаммамиз, ота-она, маҳалла, мак- таб, оталиқ ташкилотлари биргаликда ҳаракат қилсак, келажакимиз бўлган болалар, Ватанимиз равиқи учун хиз- мат қиладиган ҳақиқий ўғил-қизлар бў- либ етишишадилар.

Восиқ МАННОНОВ,
кекса ўқитувчи.

Уларнинг ёш авлодини тарбиялашга бағиш- ланган ўқитувчи Нуриддин ака Қамаридди- нов 15 тўрт йилдирки, қаринки мафҳаса- де бўлишга қарамай, маҳалла ва мактабда ҳафтада фаол қатнашиб келаятган жон- нувор инсонлардан. Яқинда Нуриддин ака

Ҳалмат Мирзакаримов сурати.

* Атроф-муҳит муҳофазаси— саломатлигимиз манбаи

«ТОЗА ҲАВО» ДАСТУРИНИНГ ИЛК ҚАДАМЛАРИ

ЎЗБЕКИСТОН Республикаси Вазир- лар маҳкамасининг қарорига асосан атроф-муҳитни муҳофаза қилишнинг 1993—95 йилларга мўлжалланган «То- за ҳаво» дастури ишлаб чиқилган. Уш- бу тадбирнинг саноат, транспорт, обо- долаштириш каби бир-бирига боғлиқ бўлган соҳалар, кенг жамоатчилиқнинг кучи орқали амалга оширилиши кўзда тутилган. Бунда «Экосан» халқаро жам- гармасининг ҳам аҳамияти катта бў- лпти.

Тошкент шаҳар табиатини муҳо- фаза қилиш комитети ва ДАН бошқармаси ҳамкорлигида 1993 йил 10 майдан 10 июнгача бир ой мобайнида «Тоза ҳаво» тадбирининг биринчи бо- сқичи ўтказилган. Унга мувофиқ за- ҳарли газ ва тутун микдорини текши- риш учун шаҳар бўйича 19 та гуруҳ тузилган. Жумладан, «Тошкент» ишлаб чиқариш тижорат фирмаси билан бир- галикда 7 та гуруҳ, шундан 3 таси кўча диагностика лаборатория ва 4 та муҳим пост ташкил қилинди. Туманларда 11 гуруҳ ва диагностика тармоғида 1 гу- руҳ тузилди, текшириш ишлари олиб қилинди. Ушбу тадбирга асосан шаҳар бўйича 87 та автокорхона текширилди ва уларнинг базаларида атроф-муҳитни муҳофаза этишга етарли даражада аҳа- мий берилаётганлиги аниқланди.

Хуллас, жами 15996 та автомобиль текширилган бўлса, шундан давлат ан- дозаларидан четта чиққанлиги, яъни 645 та давлат корхоналарига қарашли ва 1251 та шахсий автомобильларнинг чиқариладиган газдан, карбонат ангидрид микдори меърийдан ортиқ бўлганлиги улар қайта содлангунча улардан фойда- ланиш тақиядидир.

96 та автокорхона раҳбарларига умумий қиймати 208,5 минг сўмлик жарима солинди. 3572 та ҳайдовчига эса «экология» талон берилган.

Агарда мисолларга мурожаат қила- диган бўлсак, Ақмал Никомов тумани, Х. Турсунқуллов кўчаси, 178-уйда жо- йлашган ирригация автокорхонасига қарашли 4 та, Сергеди тумани, Венгер 2-бони берк кўчада жоёлашган 143-ав- токорхонадаги 12 та, Ҳамза тумани, Тошкент кўчаси, 3-уйда жоёлашган Тош- кент виллоят ҳокимлиги маҳкамасига

қарашли автокорхонадаги 16 та авто- мобиль чиқаратган газ талабга жавоб бермади. Бундай мисолларни кўплаб келтириш мумкин, бу баъзи корхона- ларда атроф-муҳитни муҳофаза қилиш ишига ўта лоайқли билан қараш оқи- батидир.

Ҳозир 1993 йил 15 сентябрдан 15 октябргача давом этадиган «Тоза ҳаво» тадбирининг иккинчи босқичини ўтқа- зиш арасида турибмиз.

Кези келганда масаланинг яна бир томони ҳам борлигини таъкидлаб ўтиш жоиз. Ҳайдовчилар безани қуйиб бер- ган мутасаддиқларнинг ноинилад. Тенги- рувчилар ҳам безани қуйиб берувчи- ларини тафтиш қилади. Унинг таркиби талаб даражасида эмаслиги учун ушла- шди, чоралар кўради. Бироқ аёв фа- қат шуларнинг ўзинидагинаму? Бенизи юқори базалардан юз фозиз тоза нелар- микан? Бу борда ҳам албатта қилина- диган ишлар кўп. Ахир носоз ёнлиги тугайли об-ҳаво булганганидан ташқари неча-неча минглаб автомобилларнинг асосидаги моторлар умири бир неча марта қисқариши итисоидитимиз- га қанчалар энг етказишни тасаввур қилиш мумкин. Чунончи транспорт во- ситаларининг аҳолига хизмат қўрсатиш- да, унинг узоқини яқин қилишда аҳа- мияти жуда беғиёс. Зотан, республика- мида автомобиль заводлари энди-энди қуриляпти. Борини эътилозлаш ўринга, нақотини транспортларимизни мўддатидан олдин нобуд қилсак? Бу борда баъзи текшириш шашларини қанча инсоф- та қачирман барибир парво қилмайди. Чунки улар ўз манфаатларини ҳозирги замон долзарб муаммоларидан устуни қўядилар.

Шу сабабдан ўйлаيمانки, узоқ му- ддатта мўлжалланган, кўп босқичли «То- за ҳаво» дастури итисоидитимизнинг сийлишга ҳалал бераётган, шахримиз об-ҳавосини бузатган юқоридаги каби камчиликларга барҳам беришда муҳим носита вазифасини ўтайди.

Нуриддин ХУЖАЕВ,
Тошкент шаҳар Давлат автомобил- назорати бошқармаси таърибот бўляма- кини нозир.

Шарқнинг буюк маънавият чи- норлари Шайх-уш-шайх Юсуф Ҳамадоний, Хожа жаҳон — Хо- жа Абдуҳолиқ Ғиждувонийларга ўхшаб ҳазрати Баҳроуддин Нақш- банд ҳам шеърини нозик тушу- надиган, шоирбаб буюк зот бўл- ганди. Хожаи бузург, ҳазрати Нақшбанднинг қаламларига ман- суб бирор қўлемса асар ҳозирча бизларга маълум бўлмаседа, ул буюк зотнинг халифани арбобларидан (мумтоз шоғирларидан) бўли- миз Хужа Мухаммад ПОРСО, Хо- жа Алоуддин АТТОР, Маллово Якуб Чарқий ва бошқаларнинг асарларида Баҳроуддин Нақшбанд- нинг баъзи бир рубоийлари, байт- лари, пайл-насиҳатлари (андар- лари), ҳикматлари, ибратомуз гап- лари кўплаб учрайди.

Афтидан ҳазрати Нақшбанд 73 ёшлик ўта жўшин, серфайз, сер- баракка, ибратомуз ҳаётлари дав-

НАЗМДА КУЙЛАНГАН ТАЪЛИМОТ

рида юзлаб-минглаб халифалари (шоғирларини) ва мусоҳибларини ораси- дан маскинд-мадрасаларда, хона- дохларда, кўплаб сафарлар асно- сида, тоат-ибодат, вазоҳонлик пайтларида оддий суҳбат курган чоғларида аjoyиб рубоийлар, пур- маъно байтлар, ҳикматли сўзлар, ибратомуз пайл-насиҳатлари билан ўзларининг нуқт, ваъз, суҳ- батларини музаян этиб яшаган- лар.

Ҳозирча бизнинг назаримиздан ўтган, Хожа Мухаммад ПОРСО, Хожа Алоуддин АТТОР, Маллово Якуб Чарқий, Ҳазрати Жомий, Ҳазрати Навоий, Фахруддин Али ас-Сафий каби Баҳроуддин Нақш- банддан кейин яшаб ўтган. Ҳаз- рати Нақшбанднинг бевосита суҳ- батларини тингаш шарафига му- лласар бўлган, ул бузруквор зот- нинг асарлариди пурмаъно фай- зу неъматлардан баҳраманд бўл- ган улуг зотларнинг қимматбаҳо асарларидан биз мана шундай баъзи бир аjoyиб рубоийлар, пур- маъно байтлар, ҳикматли дурдо- налар тоғишга муяссар бўлдик- ми, ўшал шеърӣ парчаларни ҳозир сизлар учун келтириб, улар ҳақида баҳоли кўндрат баъзи бир тавзиҳотларимиз ила ўртоқлаш- мовчимиз.

Шу ерда ҳазрати Ғиждувоний томонидан айтилган, нақшбанди- нислар орасида машҳур бўлган мана бу байтнинг ҳам эслатиб ўт- моқ жоиз:

«Дари хилват банду дари суҳбатро қушой,
Дари шайхиро банду дари йориро қушой»

(Сирб ва Ватҳога урилган муқаддас муҳр,

ЎЗБЕКИСТОН Фанлар академияси жўғрофия бўлимига қарашли «Агроф-муҳитни муҳофаза қилиш» ҳамда «Сув муаммолари ва сув манбаларини қўриқлаш» тажрибахоналари ҳамкорликда ўтказган тадқиқотлардан маълум бўлишича, республикада табиатнинг 400 дан ортиқ ноёб топиламанлар бор экан. Улар деярли ҳар бир вилоятда учрайди. Шулардан энг катталари Амир Темур гори, «Динозаврлар майдони», «Қирқиз», геологик очилмалари бўлиб, улар «Инсон ва биосфера» Ўзбекистон комитетининг йилгида ЮНЕСКО томонидан яратилган «Бутун жаҳон мероси рўйхати»га киритиш учун тавсия қилинган.

Маълумки, республикамиз 1989 йилда ЮНЕСКОнинг «Бутун дунё табиий-маданий меросини муҳофаза қилиш тўғрисида»ги битимни имзолаганидан бери табиий иншоотларни муҳофаза қилиш тўғрисидаги қўриқларни яратиш бўлими шунингдек табиий минтақалар, геологик ва археологик қазилма ишлари олиб бориладиган манзиллар ана шу рўйхатдан ўрин олган. Шундай манзилларнинг баъзи бирларига қисман тўхталгани лозим топди.

Жўғрофиядан маълумки, Қўриқов, Угом, Чотқол, Песком ва Куксувдан иборат тоғли ҳудудлар Тянь-Шань тизмасининг қирғиш қисми ҳисобланади. Чотқол, Песком сойлари ва уларга тоғлардан келиб қўшилидиган ирмоқларнинг юқори қисмларида шалолалар, булоқлар, унсурлар жуда кўп. Айниқса, «Гулнам», «Обираҳмат», «Гормозор», «Шерхона» каби булоқ ва тоғлар бу ерга келувчилар эътиборини жалб этмасдан қолмайди. Бу жойлар ўта хушманзарарлиги, булоқ сувларининг шифобахшалиги билан ажралиб туради.

хати»га юқорида тилга олинган Амир Темур гори, «Қирқиз» геологик очилмалари ҳам кирди. Бинобарин Амир Темур гори алоҳида аҳамиятга молик ёдгорликдир. У Қўриқов тоғ тизмасининг Қашқадарь вилояти ҳудудларига қарашли Жанубий ён бағрига жойлашган. Амир Темур гори унча катта бўлмаган қадимги юқори Тарағай ва Говхона сойларининг юқори қисмидаги тик тоғлиқларда шаклланиган. У бир-биридан ажралиб турган икки қисмдан, яъни ер ости йўли ва ёрдан иборат.

замонларда яшаган икки оёқли улкан динозаврларнинг излари 70-йилларнинг бошидаёқ аниқланган эди. Тўпланган маълумотларни илмий жиҳатдан ўрганиш бундай ҳайвонларнинг йўли турлари калонизаторларни аниқлашга имкон берди. Бу жойда уларнинг 48 та оёқ изи қайи қилинди. Бу соҳада ҳам изланишлар давом этмоқда.

«Қирқиз» геологик очилмалари Жиззах вилояти Зомин қўриқхонасининг Туркистон тоғ тизмалари қилиқларида жойлашган. Бу табиий ёдгорлик ўпирилма тарзидаги очилмадир. Мутасил емирилиш жараёни бу ерда қатламли тузилмалар шаклланишига имкон берди. Ўттизга яқин турли-туман шакллarning пайдо бўлганлиги емирилиш натижаси эканлигидан далolat беради.

Бундай ёдгорликлар республикамизда жуда кўп. Ўтказилган тадқиқотлар натижаси мамлакатимизда табиий ёдгорликлар «Қизил китоб»ини яратишга асос қилиб олинди. Бу китобнинг нашр этилиши ёдгорликларни муҳофаза қилишда катта аҳамиятга эга. Шунинг алоҳида таъкидлаш лозимки, республикамиз мустақилликка эришгандан кейин бу соҳага катта эътибор берилаётганлиги қувончли ҳолдир.


Хар тўғрида



Йилга камда 70 минг доллар даромад келтирадиган касбни ташлаб рессом Сидди Даввор билан жониворлар шаклидаги жониворлар ясаган бел боғлаган америкалик Боб Френч, ҳаттида икки бор қилбтган ишдан мурод ҳосил қилганлар, энди мана туну кун тинимсиз ишлаш, беш оғриги деган бегона, дея таъкидлаш жуда ётирадир.

СУРАТДА: Боб Френч ва рессом Сидди Даввор ўзлари ясаган жониворлар орасида.

РАТА—ТАСС сураги.



ЯПОНИЯ. Танқили британиялик сайёҳ, тадқиқотчи, ёзувчи Тим Северин ўзининг қадимги хитойликлар Америка қитасига Христифор Колумбдан камда 1700 йил муқаддам қандай қўйганлар, деган даъвосини исботлаш иштида олти кишилик гуруҳ билан Гонконгдан Ымбугдан асаланг сафарга чиқди.

СУРАТДА: Тим Севериннинг немаси Япониянинг Томага ороли яқинида.

АП—РАТА—ТАСС сураги.

Рўйхатта қирган очилмалар ТАБИАТНИНГ НОЁБ ЁДГОРЛИКЛАРИ

Тошкент вилоятининг паст-текишли қисмида, яъни Оҳангарон дарёси водийсида Қўлбулоқ деб аталган палеолит манзил жойлашганини кўпчилик билмас экан. Бу манзилда олиб бориладиган археологик қазилмалар турли хил даврлар ҳақида қимматли маълумот беради. Оқинг маданий қатламлардан олиingan қўлаб тош заҳиралари водийда одамлар жуда қадим замонлардан бери яшаганлигини кўрсатади. Тоғлиқларда тошлардан ясалган турли кўл-роқлар, рўзгор буюмлари, жониворлар суякларининг қолдиқлари борки, бу юқоридан билдирилган фикримизнинг аққол далилидир.

Асосий ғор Амир Темур сўзи билан «Катта Унғур» деб аталган. Уни кўпчилик ва кўп қаватли мураккаб табиий иншоот деса бўлади. Бу жойнинг баландлиги шифтга 45 метр бўлиб, маҳаллий халқ ўртасида байрам кунлари томоша ўтказиладиган жой сифатида машҳур. Ғордан ўтган йўлларда учрайдиган оҳанг қолдиқлари, олимларимиз эътиборини тортди. Ҳозир улар устид тадқиқот ишлари олиб боришмоқда.

«Динозаврлар майдони» номи билан аталувчи яна бир йирик табиий тоғлима Қашқадарь вилоятининг Янкабортуманида. Ҳисор биосфераси қўриқхонаси ҳудудларида жойлашган. Қадимги

В. БАХРИДИНОВ, Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси жўғрофия бўлими тажрибахонасининг мудири.

Э. ЧЕМБОРИСОВ, Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси сув муаммолари институти тажрибахонаси мудири.

МИЛЛИЙ қадриятларимизнинг тикланиши жамоатимиз олдинда турган асосий вазифалардан бири. Давлат тилида нашр қилинган адабиётлар сонини кўпайтириш бўлиб, Халқимиз ўқиш-йўқлигини, кўни ва бой таърихиями, буюк алломаларимизни биллиб, таниб боришмоқдалар. Имом ал-Бухорий, Имом ат-Термизий, Абу Райхон Беруний, Ал-Хоразмий, Абу Али ибн Сино ва диндоримиздан чиққан қўлаб алломаларнинг асарлари ҳаёти билан таниша бошладилар. Бу ҳол китобхон халқимиз ўртасида катта қизиқиш уйғотди.

Бундан ташқари турли маъзулардаги бу адабиётларнинг гўзал ва ақлим шаклида жойлашган қатор китоб дўконларининг ҳодимлари томонидан

КИТОБ САВДОСИ ЖОНКУЯРЛАРИ

дан халқимизга тарқатишмоқда. «Ўзбекистон», «Ғафур Ғулом», «Ҷўлпон номи», «Адоллат», «Камал» ва бошқа нашриётларимиз хайрли ишларни амалга оширишмоқдалар. Қисқа вақт ичида 60 та номдан ортиқ китоблар нашр этилди. «Ўзбекистон» нашриёти жамоатси Президентимиз Ислам Каримовнинг «Ўзбекистон — бозор муносабатларига ўттишнинг ўзингаси кўли», «Буюк мақсад йўлидан оғинайлик» асарларини, Э. Аҳмедовнинг «Ўзбекистон Республикаси» маълумотномаси ва бошқа қатор китобларини нашр эттирди. Бу китобларнинг республикамиз мустақиллиги байрами асосида босиб чиқарилиши халқимизга тақдир этилган аjoyиб совғадир.

Республикамиз мустақиллиги байрами кунлари гўзал қиёфаси қирган энг Тошкент шаҳрининг қатор боғлариди, Амир Темур ва бошқа халқ бонларда жамоатимиз кенгайтирилган китоб савдосини ташкил этди. Бу ўринда 1-дўкон рақбари Оля Бонзарова, 2-дўкон рақбари Шавкат Авазов, 17-дўкон рақбари Флюра Исмаилова ҳамда 28-дўкон рақбари Ирина Юсуповича бошчилигидаги жамоатимизнинг ишлари диққатга лойиқдир. Улар китоб сотиш маданиятини яна бир бор намоиш қилдилар.

Тошкент шаҳар китоб савдоси ташкилотини ҳодимлари бозор итисодиётига ўттишдаги қиёқчилликларини энгб, йш республикамизнинг равангчи учун қўлларидан келган барча имкониятларини ишга соладилар.

Анвар ФОЗИЛОВ, «Тошкент» билишган кесаба уюшмаси раиси.

МАЪЛУМКИ, кометалар кўш тизмининг кичиқ жисмлари ҳисобланади. Улар кўш атрофидан ўз орбиталари бўйича ҳаракат қилади. Кометалар жуда қадимий замонлардан бошлаб мутахассислар, олимлар томонидан кузатиб келинади. Комета сўзи аслида грек сўзидан келиб чиққан «Кометас» бўлиб, унинг маъносиди «думли соч» демекдир. Галлей кометаси эраимиздан аввал 466 йилда очилган. Одамлар бу кометани ҳар доим кўраётганларида «Янги комета кўриди» деб келганлар. Уни кўш атрофидан айланган даврини бил-

маганлар, фақатгина XVII асрнинг кичиқки ярмига келиб, бу кометанинг янги комета эмаслигини исботлади. Буни биринчи бўлиб Англияда Эдмонд Галлей исботлади. Шу сабабли бу комета Галлей номи билан аталади. Галлей ўз замонасида ҳамма нарсани билладиган кучли олим, қироллик флотиди калган, ҳарбий мухаддис, геофизик бўлган. Шунингдек, у ўз замонасининг машҳур астрономи ҳам эди. У тарих йилномасидан 1337 йилдан то 1698 йилгача келган ҳамма маълумотлар билан танишиб, 24 та кометанинг орбита унсурларини

— Бизнинг бу галги командамиз ёшлардан ташкил топганлиги билан ажралиб туради, — дейди «Тошкенттаом» концерни раисининг ўринбосари В. В. Кожарина. — Командамиз ўн кишидан иборат бўлиб, уларнинг ҳар бири тажрибали мутахассислар — қандолатпаз уста А. Мажидов, уста ошпаз Н. Алимбеков, «Зарафшон» ресторанининг столларини тузаш бўйича махсус устаси Ф. Аҳмадиев раҳбарлигидаги махсус курсларини тугаллаганлар.

Субботинида концерт мутахассиси В. И. Ситова ҳам қўшилиди.

Галлей ўзининг бу жадвалида аjoyиб бир вақтин аниқлаган. Учта комета кузатишган 1531, 1607 ва 1682 йиллар бўлиб, улар жуда ҳам яқин бўлган. Галлей бу натижалардан кометалар бошқа-бошқа эмас, фақат битта комета уч марта кўришган деган хулосага келган. Шунинг учун бу кометага унинг номи берилган. Галлейнинг ҳисоблашча 1531 йил августдан то 1607 йил октябргача ўтган давр 76 йил 2 ойни ташкил қилган.

Галлей кометаси охириги марта 1910 йилда кўришган ва яқини кузатишган. 1910 йилда комета ерга жуда яқин келиб қолган. Бу вақтда масофа 30 миллион километр бўлган. Бу яқинлашув вақтида олинган нодир тасвир Тошкентда топилди.

АҚВА

ОҚШОМОНЛАР ДИҚҚАТИГА! «Тошкент оқшом» газетасининг нобатдаги сонини 16 сентябрда чиқди.

Мухаррир Эркин ЭРНАЗАРОВ.

Тошкент оқшом

МУАССИСЛАР: Халқ депутатлари Тошкент шаҳар Кенгаши ва «Тошкент оқшом» журналистларининг жамоатси

Газета Ўзбекистон Республикаси Давлат матбуот комитетиде рўйхатга олинган. Рўйхат сонини — 000101.

Шанба ва яқшанбадан ташқари ҳар кунини ўзбек тилида чиқади.

ТЕЛЕФОНЛАР: халқар — 33-29-70; эълон ва тикорат хабарларини жойлаштириш масалалари бўйича 32-81-42, 32-55-34, 32-56-67.

Эълонлар ва тикорат хабарлари аниқ ва тўғрилиги учун жавобгарлиги уларни берган ташкилот ва шахслар зиммасидадир.

МАНЗИЛГОҲИМИЗ: 700000, ГСП, Тошкент, Матбуотчилар кўчаси, 32-уй. Ҳажми — 2 босма табоқ. Обфет: Қўғоқ бичими А — 2. Нашр қўрсаткичи 64690.

■ Босмага бериш вақти 11.30

■ Босмага берилди 11.38

Ўзбекистон Республикаси Президенти Маҳкамасининг Ишлар ботқармаси: ҳузуридаги «Шарқ» наприёт-матбиа концерни. Корхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси, 41-уй. 1 2 3 4 5 6

Йўзурга Г—536. 17490 шўжада.

ТИЖОРAT ЖАБАРЛАРИ ВА ЭЪЛОМЛАР



ТОШКАНБОИ ЭГАМБЕРДИЕВ НОМИДАГИ ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ЦИРКИДА

(Хадра майдони)

КАТТА ЦИРК ТОМОШАЛАРИ

(2 бўлимда)

МДХ ва Ўзбекистон Республикасининг етакчи цирк усталари иштирок этадилар.

Цирк санъатининг ҳамма жанрлари намоиш қилинади. ТОМОШАЛАР: 18, 25 сентябрь соат 18.00 да.

19, 26 сентябрь соат 12.00 да бошланади.

ОЛДИНДАН ЧИПТА СОТИШ КАССАЛАРИ ИШЛАМОҚДА. Касса соат 10.00 дан 18.00 гача очик.

Чипталар пул ўтказиш йўли билан ва мақд пулга сотиладди.

Маълумотлар олиш учун телефонлар: 44-35-9, 44-29-04.

Ўзбекистон Маданият ишлари вазирлиги

М. Қориевуб номидаги Ўзбек Давлат филармонияси

ХАЛҚЛАР ДУСТЛИГИ САРОИИДА

17 СЕНТЯБРЬ СОАТ 18.00 ДА

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ МУСТАҚИЛЛИГИНИНГ 2 ЙИЛЛИГИГА БАҒИШЛАНАДИ

ТҮЙГА МАРҲАБО!

«ШОДЛИК» ДАВЛАТ АШУЛА ВА РАҚС АНСАМБЛИНИНГ

ЯНГИ КОНЦЕРТ ДАСТУРИ

ҚАТНАШАДИЛАР:

Ўзбекистонда хизмат қўрсатган артист:

НУРИДДИН ҲАЙДАРОВ

Солистлар: Илҳом ЖҲРАЕВ, Муроджон СОҲИВОВ, Раҳима НОСИРОВА, Раъно ЗОКИРОВА, Дилором ҚАЮМОВА, Марьям НОСИРОВА, Гулмира ШИРИНОВА, Уткир СИДДИҚОВ, Абдуқодир ЮСУПОВ, Қотан ХОЖИЕВ, Турсулой САПАЕВА.

Рақосалар ва созандалар гуруҳи иштирок этадилар. Ансамблининг бадий раҳбари — Ўзбекистон халқ артисти ДИЛАФРУЗ ЖАББОРОВА.


РЕЖИССЕР — Ўзбекистон халқ артисти, Ўзбекистон Давлат муқофотининг совриндори Феруздин САҒАРОВ. ЧИПАЛАР Сарой кассаларида ҳамда метро бекатларида соат 11.00 дан сотишмоқда.

ЖАМОА бўлиб келувчилардан буюртмалар қабул қилинади.

Телефонлар — 33-37-69, 33-73-10.

Тоза сув - ҳар бир хонадонга!

“УЛУҒБЕК” МУХАНДИСЛИК МАРКАЗИ ТАКЛИФ ЭТАДИ:



“АКВА” ичимлик сувини тозалаш учун қўлланиладиган филтратлар. “АКВА” юқори самарали, енгил, ихчам филтёр водопровод сувини кўрғошин, симоб, мис, кадмий, кобальт, темир, руҳлардан, уларнинг бирикмасидан, радионуклидлар, дағал тузлардан, екимсиз хид ва ҳоказолардан тозалайди.

Бир соат ичида Сиз 20 литр экологик тоза сув оласиз!

ФИЛЬТРЛОВЧИ ЭЛЕМЕНТИНИ 5 ЙИЛ МОБАЙНИДА АЛМАШТИРМАСДАН ИШЛАТСА БУЛАДИ.

Ҳақ тўлаш тартиби - турлича. Чакана нархда ва кўтарасига харид қилишингиз мумкин.

Тошкентдаги телефонлар:

76-66-72, 34-87-04, 22-06-44

Бизнинг филтёрларни Сиз Гоголь кўчаси, 38-уйда жойлашган “Электроника” дўконидан сотиб олишингиз мумкин.

ХУСУСИЙ ЭЪЛОНЛАР

Металл оёқлар ва панжараларни тайёрлаб ва ўрнатиб берамиз. Телефон 72-06-18.

Тошкент шаҳар, Шайхонтоҳур туманидаги 276-ўрта мактаб томонидан Обидов Ваҳром Бахтиёрович номига берилган ВУ серияли, 042823 сонли йўқолган 9-синфни битирганлиги тўғрисидаги ғувоҳнома бекор қилинади.

Тошкент шаҳар, Собир Раҳимов туманидаги 29-ўрта мактаб томонидан Собитова Шахноза Юсуповна номига берилган 035136 сонли йўқолган ўрта маълумот тўғрисидаги аттестат бекор қилинади.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Маҳкамасининг Ишлар ботқармаси ҳузуридаги «Шарқ» наприёт-матбиа концерни жамоатси концернининг маҳнот фəхрийси Ҳолмат Абдукаримовга онаси

Сайяма РАҲИМОВАНИНГ вафот этганлиги муносабати билан чуқур таъзия наҳор қилади.